

С.Алимов, Т.Собитова

# АДАБИЙ ЭРТАКЛАР



**С.Алимов, Т.Собитова**

# **Адабий эртактар**

**II китоб**

**Тошкент  
«MUMTOZ SO‘Z»  
2012**

УДК: 398(075)  
КБК 83.3(5Ў)1

**Масъул муҳаррир:** *Филология фанлари номзоди,  
доцент Омонилла МАДАЕВ*

**Тақризчилар:** *Филология фанлари доктори,  
профессор Маматқул ЖЎРАЕВ;  
филология фанлари номзоди  
Абдумурод ТИЛАВОВ*

83.3(5Ў)1

A-15

Алимов, С.

Адабий эртаклар / С.Алимов, Т.Собитова; масъул муҳаррир  
Омонилла Мадасв. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2012. – 82 б.

I. Т.Собитова.

УДК: 398(075)  
КБК 83.3(5Ў)1

ISBN 978-9943-398-35-1

© Алимов С., Собитова Т., 2012  
© «MUMTOZ SO‘Z», 2012

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АДАБИЁТИДА АДАБИЙ ЭРТАК ЖАНРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛЛАРИ

Жаҳон халқлари орасида эртак ижод қилмаган бирор бир халқни учратиш қийин. Фольклорнинг бу жанри инсоният яратган энг қадимги сўз санъатларидан биридир. Ҳали ёзув, бадий адабиёт – сўз санъати вужудга келмаган кишилиқнинг уруғчилик жамияти даврларидаёқ инсон атроф-муҳит, реал борлиққа нисбатан муносабатларини, энг юксак эзгу-мақсадларини эртаклар воситасида акс эттира бошлаган.

Халқ эртакларининг ёзма адабиётга таъсири, шубҳасиз, катта аҳамият касб этиб келган. Хусусан, халқ эртакларининг бадий сўз санъатидаги роман жанридан кичик ҳикоя жанригача, дostonдан оддий тўртлик шеърғача бўлган таъсири тўғрисида адабиётшунослик ва фольклоршунослик илмида юзлаб тадқиқотлар яратилди. Халқ эртаклари, биринчидан, фольклорнинг бошқа жанрлари, хусусан, йирик эпик асарлар шаклланиши, иккинчидан, ёзма адабиётнинг ривожидида муҳим рол ўйнаган манба ҳисобланади. Чунончи, новелла, баллада, поэма, масал каби жанрларнинг шаклланиш манбаларини тадқиқотчилар халқ эртаклари анъаналари билан боғлаб талқин этадилар<sup>1</sup>. Халқ эртакларининг ёзма адабиётга таъсири кўрсатишда адабий эртак жанри ёрқин мисол бўла олади.

*Адабий эртак* жанри ва унинг моҳияти “Литературная энциклопедия”, “Адабиётшунослик терминлари луғати” кабиларда қисқача изоҳлаб ўтилган. Бироқ бу энциклопедия ва луғатлар адабий эртак жанри хусусиятларини атрофлича очиб бера олмайди. Масалан, “Адабиётшунослик терминлари луғати” китобида “Ёзма адабиёт намояндалари халқ эртакларидан ижодий фойдаланадилар. Навоий дostonлари, Ҳамза Ҳакимзода эртаклари, А.С.Пушкин, Ҳамид Олимжон шеърый эртаклари шундай ижодий фойдаланиш туфайли яратилган оригинал асарлардир,<sup>2</sup> дейилган жумлалар билан халқ эртаги билан адабий ёзма эртакларга таъриф берилади.

Адабий эртак жанри, ёзма адабиётнинг бошқа жанрлари каби давр ва тузумимиз моҳиятини бадий акс эттириши билан ривожла-

<sup>1</sup> Шайкин. Сказка и навелла. Автороф. канд. дисс. Алма-ата, 1974; Иброхимов М. Ўзбек балладаси. Тошкент, Фан, 1974; Гаспаров М.Л. Античная литературная басня. М.: Наука, 1971; Холматов Ш. Масал жанри ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1966. № 8; Абдуқулов Т. Болалар поэмачилигининг тараққиёт тенденциялари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1976. № 5.

<sup>2</sup> Адабиётшунослик терминлари луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1970. Б. 256.

ниб бормоқда. Халқ эртакларидан ёзма адабиёт вакилларининг таъсирини ўрганиши масаласида икки усул яққол кўзга ташланади:

1. Ёзма адабиёт вакили ўз асарида халқ эртакларининг айрим мотив, образлари ва деталларидангина фойдаланади, уларни ўз мақсадига мос равишда ижодий ўзлаштиради. Бундай асарларда фольклор аъёнлари сезилиб турса-да, ижодкор қайси эртаклардан фойдаланганлигини билиш кийин. Бу тип асарлар сифатида Алишер Навоий, Лутфий, Бобур, Гулханий кабиларнинг ижодидаги болалар китобхонлигига оид намуналарини кўрсатиш мумкин.

2. Ёзма адабиёт вакили ўз асарини халқ эртаклари услубида яратади ва халқ эртакларига хос бадиий тасвир воситаларидан фойдаланади. XX асрнинг 30-йиллари охирида яратилган барча адабий эртаклар бу типга мисол бўла олади. Кўпгина болалар учун яратилган адабий эртаклар фольклор ва ёзма адабиёт муносабатининг энг юксак кўриниши дейилса, хато бўлмайди.

Фольклор аъёнлари, айниқса, халқ қўшиқлари, мақоллари, афсона ва ривоятлари сўз санъаткори учун битмас-туганмас манба эканлиги фольклоршунос ва адабиётшунос олим Л.Дымшиц томонидан кенгрок асослашга уринилди<sup>3</sup>. Фольклоршунос Е.Л.Костюхиннинг “Александр Македонский ва адабиёт ҳамда фольклор традициялари” номли ишида халқ оғзаки ижоди аъёнларидан ёзма адабиёт вакилларининг санъаткорларга фойдаланиш масалалари изчил кўрсатилган<sup>4</sup>. У халқ эртаклари, ривоят ва афсоналарида мавжуд бўлган тарихий шахс – Александр Македонский сиймосини ёзма адабиётдаги прообразлари билан ўзаро қиёслайди.

Сўнгги йилларда ёзма адабиёт жанрларининг юзага келишида асосий манба воситасини бажарган фольклорнинг бирор жанри муносабатини ўрганиш масаласида юзага келган илмий тадқиқотлар орасида А.А.Шайкиннинг “Эртак ва новелла”<sup>5</sup> деб номланган илмий тадқиқоти диққатга сазовордир.

Мазкур тадқиқотда муаллиф рус халқ эртакчилиги аъёнаси заминида ёзма адабиётда юзага келган новелла жанрининг ривожланиш йўллари тадқиқ этилади. У XV-XVI аср рус фольклори ва адабиёти материаллари мисолида халқ эртакчилиги аъёнаси таъсири билан “Дмитрий Басараги ва унинг ўғли Борзомисл”, “Вавилон ҳақида ривоят”, “Петр ва Февронии Муромский” каби дастлабки

<sup>3</sup> Дымшиц Л. Литература и фольклор. М.: Госполитиздат

<sup>4</sup> Костюхин Е.Л. Александр Македонский и литература фольклорной традиции. М., 1977.

<sup>5</sup> Шайкин А.А. Сказка и новелла. Автореф. канд. дисс. Алма-ата, 1974.

рус новеллалари яратилганини илмий асослаган. Булардан ташқари, фольклор ва ёзма адабиёт муаммоларига бағишланган XX асрнинг 70-йиллари фольклоршунос ва адабиётшуносларнинг Уфа, Душанбе, Кишинёв каби шаҳарларда ўтказилган махсус форум ва илмий конференцияларида ҳам ушбу масала атрофлича муҳокама этилган эди.

XIX асрнинг охириги йилларига қадар ўзбек фольклори ва ёзма адабиёти бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ҳаётни бадиий-романтик реал акс эттирибгина қолмай, балки бири иккинчисининг ривожланиши, янги шакл ва янги мазмун билан бойишига ёрдам берди. Чунончи, мумтоз ўзбек адабиётининг ривожига юқори босқич бўлган XV асрлардаёқ, фольклор, халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш эртаклар, афсоналар ва ривоятлар таъсирида халқчил шоирлар ва ижодкорлар йирик эпик асарлар, гуманизм билан суғорилган лирик манзума асарлар яратдилар. Бундан ташқари, халқ оғзаки ижоди жонқуярлари – халқ бахшилари, айрим истеъдодли кишилар эртаклар таъсирида бахшиёналар ёздилар. Бундай ҳодиса фольклоршунослик илмида “халқ китоблари” деган атама билан номланади.

Халқ китобларининг вужудга келиши фольклор билан ёзма адабиётнинг бир-бирига ижодий таъсири икки йўналишда намоён бўлганини исботлайди<sup>6</sup>. Халқ оммаси ижодкорлиги билан ёзма адабиёт ўртасидаги ўзаро боғланишнинг бадиий намуналарини “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Тохир ва Зухра” каби халқ китоблари мисолида кўриш мумкин.

Фольклор аъёнларидан баҳраманд бўлган Алишер Навоий ўз навбатида ғоявий-бадиий юксак дostonлари билан халқ ижодиётига ҳам таъсир кўрсатди. “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларини халқ китоблари тарзида Умар Боқий томонидан (XVIII-XIX асрлар) қайта ишланган вариантларини текширган фольклоршунос олим Мансур Афзалов “Фарҳод ва Ширин” дostonи сюжети бир неча асрлар давомида халқ оғзида куйлаб келинади. Чунки бу китоблар меҳнаткаш омманинг асрлар давомидаги орзу-умиди, эркин ҳаёт, тинч меҳнат, бахтиёрлик, Ватан муҳофааси ва сув учун кураш каби масалаларни ифода этиб келган. Шунинг учун бу дoston халқ ижодкорлари репертуаридан ҳам мустахкам ўрин олган,<sup>7</sup> деб таъкидлайди.

<sup>6</sup> Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т. Узбекский народной героической эпос. М., 1947. С. 297.

<sup>7</sup> Қаранг: Фарҳод ва Ширин (дoston). Т.: Фан, 1966. Б. 5.

Халқ эртақларидан ижодий бахраманд бўлиб, йирик полотнодаги асарлар яратиш анъанаси ўзбек адабиётининг ривожини омиладаридан бири ҳисобланади. Навоий ижоди эса бунинг ёрқин далилидир. Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида поэзия етакчи роль ўйнайди. Мумтоз шоирлар Европада урф бўлган эртақлар яратиш анъанаси йўқлиги туфайли ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари халқ эртақчилиги анъаналарига ҳос энг муҳим мотив ва элементларни романтик дostonларига органик сингдириб юборган эдилар.

В.М.Жирмунский ва Ҳоди Зарифовнинг “Ўзбек халқ қаҳрамонлиги эпоси”, Ғ.Жалоловнинг “Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси” номли илмий тадқиқотларида бу муносабатлар ва уларнинг ўзига ҳос генетик алоқалари атрофлича тадқиқ этилади<sup>8</sup>.

Ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётининг етакчи билимдонлари В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифов томонидан сўз санъатининг бу икки шакли алоҳида ўрганилиши эътиборга лойиқдир<sup>9</sup>.

Алишер Навоий томонидан яратилган “Фарҳод ва Ширин” достони билан ўзбек халқ эртаги “Фарҳод ва Ширин”, “Қирон оға”<sup>10</sup> каби эртақлар ўзаро структурал-типологик қиёсланганда юқоридаги фикрлар ўзининг ёрқин исботини топади. Мумтоз адабиётдан “Фарҳод ва Ширин” достони, унинг халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган вариантлари халқ эртаги “Фарҳод ва Ширин” таъсири XV аср ёзма адабиёти анъаналари асосида юзага келган, дейиш мумкин. Умуман олганда, бундай алоқа ва таъсирларнинг илдизлари қадимги уруғчилик маданияти тарихига бориб тақалади. Косвеннинг “Этномаданият фани бўйича очерклар”и<sup>11</sup>, Э.Тэйлорнинг “Ибтидоий маданият тарихи”<sup>12</sup> каби монографияларида инсоният уруғчилиги жамияти сифатида шаклланган даврларда дастлаб мифлар, кейин афсоналар вужудга келди деган фикр мавжуд. Ҳақиқатан ҳам, инсониятнинг болалик даврларида яратилган дастлабки фольклор асарлари – мифларда табиат кучлари қаршисида ожиз бўлган одамларнинг моддий борлиқни эмпирик кузатишлари, ўз атрофини ўраб турувчи нарса ва ҳодисалар ҳақида илк бадий тасаввурлар юзага келган. Фольклоршунос Емельянов мифларни “англанмаган и бадий ижод” натижаси деб тўғри атайди<sup>13</sup>.

<sup>8</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947; Жалолов Ғ.А. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. Т.: Фан, 1976.

<sup>9</sup> Ўша китоб. Б. 279.

<sup>10</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 1 т. Т., 1963.

<sup>11</sup> Косвен М.О. Ибтидоий маданият очерклари. Т., 1969.

<sup>12</sup> Тэйлор. Ибтидоий маданият тарихи.

<sup>13</sup> Емельянов Л.И. Методологические вопросы фольклористами. Л., Наука, 1978. С. 96.

Халқ оғзаки ижодидаги мифлардан кейинги босқичда афсоналар, диний қўшиқлар ва ниҳоят, инсон турмуш кечинмаларини бадий рамз, тимсоллар билан ифодаловчи халқ эртақлари ва маросим фольклорининг пайдо бўлиши, бадий ёзма адабиёт санъати ривожини билан имконият вужудга келган эди.

Бадий адабиётнинг асосий манбаси бўлган фольклор ёзма адабиётнинг донмий ижодий озикланиш воситасидир. Шунинг учун ҳар қандай ёзма адабиёт, аввало, мифлар, эртақлар, маросимлар поэзияси таъсирида шаклланиши ва ривожланиши табиийдир. Унинг ёрқин исботи сифатида қадимги юнон адабиётини кўрсатиш мумкин<sup>14</sup>. Шунинг учун ёзма адабиёт ҳам шаклланиши даврдан узок пайтгача қаҳрамонларни идеаллаштиришда фольклор йўлидан борди. Мисол учун Навоийнинг “Садди Искандарий” достонини кўрсатиши мумкин.

“Садди Искандарий” достонини яратишда шоир халқ орасида мавжуд бўлган “Искандар Зулқарнайн”, “Шохли Искандар”<sup>15</sup> ва “Доро билан Искандар”<sup>16</sup> эртақлари мотивларига эътибор берган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки халқ орасида Александр Македонский номи билан боғлиқ турли мазмундаги афсона, ривоят ва эртақлар мавжуд.

Халқ оғзаки поэтик ижодида Искандарни ҳам золим, ҳам доно, адолатпарвар шоҳ сифатида кўрсатади. Масалан, Хоразм халқ эртаги “Искандар Зулқарнайн”да у олийжаноб ҳукмдор, моҳир саркарда сифатида кўрсатилса, “Шохли Искандар” эртагида қонхўр, қалтафаҳм подшоҳ сифатида қораланади. Алишер Навоий ҳам ўз даври анъаналарига кўра, ўздан илгари ўтган ҳамсанавислар сингари Искандар образини бадий адабиётга олиб кирди. У биринчи марта ўзбек адабиётини Искандарнинг XV аср феодал тузумидаги халқ идеалига мос келувчи романтик образини яратди. Шоир ижодида халқ асрлар бўйи орзу этиб келаётган тинчлик, бахт-саодат, адолат ҳомийси сифатидаги Искандар образи талқин этилди. Халқ эртақларига ҳос мўъжиза, сеҳр ва жоду билан “мурод-мақсадга” эришиш анъанаси Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам мавжуд. Чунончи, Фарҳоднинг туғилиши, ундаги руҳий ўзгариш, мўъжизали сандиқ ва ойнаини жаҳон, кўзгунинг тилсимини очини

<sup>14</sup> Алимхамедов А. Антик адабиёт тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1969.

<sup>15</sup> Ўзбек халқ эртақлари. 2 том. Т.: Ўздабийнашр, 1964.

<sup>16</sup> Хоразм эртақлари. Т.: Бадий адабиёт ва санъат нашриёти,

каби сеҳрли-фантастик воқеалар бевосита халқ поэтик анъаналари эртақларига хос хусусиятлардир. Навоий ўз идеалларини бадиий ифодалаш жараёнида халқнинг ана шундай усулларидан ўришти, айни ҳолда, санъаткорлик билан баҳраманд бўла олди.

Фольклор энг қадимги даврлардан бошлаб ўзига хос равишда ҳамма вақт жамият тарихига ҳамроҳ бўлиб келди<sup>17</sup>. Ёзма адабиёт тарихини ўрганишда, энг аввало, муайян тарихий шароитдаги халқ оғзаки ижоди ва унинг сўз санъати ижодкорлигига у ёки бу даражадаги таъсири муаммо етарли баҳоланмаса, адабиётшуносликнинг тарихий-конкретлик принциплари нуктаи назаридан четда қолиши мумкин. Агар масалага Горький таъкидлаган фикр томонидан ёндошилса, Навоий ижодига фольклор таъсири у яратган ишқий-романтик, ижтимоий-фалсафий дostonлари, ҳикоялари, шунингдек, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Лисон ут-тайр”, “Садди Искандарий” асарлари ўзбек халқ оғзаки ижодида қадимдан мавжуд бўлган “Фарҳод ва Ширин”, “Доро билан Искандарбек”, “Шохли Искандар”, “Искандар Зулкарнайн”, “Эрни эр қилган хотин”, “Рустам билан Шерзод”, “Тохир ва Зухра” каби бир канча эртақлар таъсири натижасида юзага келган деб хулоса чиқариш имконини беради.

Ўзбек халқ эртақларида биридан иккинчисига кўчиб юрувчи барқарор формулалар, бадиий тасвир воситалари адабий эртақлар ёки мумтоз адабиётимизда яратилган дostonларда ҳам мавжуддир. Ёзма адабиётнинг муайян жамиятнинг асосий ғоявий мақсадни ифода этиш имкониятлари фольклор асарларига қараганда ажралиб турувчи хусусиятга эга бўлганлиги туфайли халқ эртақлари таъсирида юзага келган асарлар муаллифи эртақчилик анъаналаридан фойдаланганида ёзма адабиёт қонун-қоидалари мезонига қатъий амал қилади. Чунончи, халқ эртақларининг экспозициясида қўлланилувчи вақт, ўрин-жой ҳамда маконни ифода этувчи инициал формулалар адабий эртақларда ҳар доим ишлатилавермайди. Масалан, эртақка хос медиал формула қахрамонга алоқадор предмет, ҳаракатлар ва сюжет воқеалари ривож, кульминацияси, ниҳоят, хотимасида ишлатилган. “Лайли ва Мажнун” дostonида Мажнуннинг саҳрода узок йўл юриши, ҳайвонлар билан дўстлашиши, савдогарлар билан учрашуви, Навфал билан муносабатлари каби эпизодлар эртақлардаги “Улар кўп юрди, йўл юрсада мўл юрди, сувсиз аро

<sup>17</sup> Горький М. Адабиёт ҳақида. Т.: Ўздабиёнашр, 1964. Б. 207.

чўл юрди”, “қахрамон кечаю кундуз йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, чўлма-чўл, тоғма-тоғ юриб, охири бир баланд тоққа етиб келибди”(“Қахрамон эртаги”) каби ташқи медиал формулаларга ўхшаб кетади. Чунончи, Навоий ижодига фақат ўзбек фольклоригина эмас, балки Шарқ халқлари, хусусан, Эрон, араб, ҳинд эртақлари ҳам таъсир этган. Сеҳрли фантастик эртақлардаги қахрамоннинг туғилиши, вояга етишини тасвирловчи барқарор формулалар “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги Фарҳод образининг юзага келиши учун таъсир кўрсатган. Фикрни асослашда қўйидаги мисолни келтириш мумкин. Навоий ҳам халқ эртақларидаги каби қахрамон ва унинг рақибни, қахрамон ва мифодемоник персонажлар (девлар, аждаҳо-лар, парилар ва ҳ.к.) ўртасидаги курашни фалақларга монанд формулалар орқали тасвирлайди (Фарҳоднинг саргузашти билан боғлиқ эпизодларни эслайлик). Халқ эртақларига хос бундай формулаларнинг Навоий дostonларида ишлатилиши шоирнинг дostonлари келгуси авлод учун муҳим санъат асарига айланиб қолишида муҳим роль ўйнайди. Ёзма адабиётнинг халқ оғзаки ижоди билан генетик алоқаси ўзбек мумтоз тараққиёти учун ҳам хос бўлиб, бу анъаналар Навоийдан кейинги давр бадиий адабиёт санъатида давом этиб, янги давр, ўзбек миллий истиқлоли даврида ҳам бу ҳолат янгича яшаб келаётир.

Адабий эртақ жанрининг илк шакллари ўтмиш адабиётимизда Навоий, Лутфий, Бобур, Рабғузий, Пошшаҳўжа, Гулханий, Яқиний ва бошқа ижодкорлар яратган дostonлар, ҳикоятлар, номалар шаклида етиб келди. Ўзбек миллий адабиётини яратилган адабий эртақ кўри-нишига монанд асарларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

а) ахлоқий-дидактик мавзудаги адабий эртақлар (Рабғузий ва Пошшаҳўжа эртақлари);

б) ижтимоий-фалсафий адабий эртақлар (Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи Сайёр”, “Садди Искандарий”, “Лисон ут-тайр” асарлари);

в) мақол-эртақлар (Гулханийнинг “Зарбулмасал”, Яқинийнинг “Созлар мунозараси”, Ҳамзанин “Тошбақа билан Чаён” каби асарлари).

Мумтоз адабиётга халқ эртақлари таъсири муносабатлари масаласи алоҳида ўрганилиши керак бўлган илмий мавзу бўлгани сабабли, биз халқ эртақларининг адабий жараёнга муносабати тарихини Алишер Навоий ижодидаги айрим асарлар ёрдамида эслатиб ўтдик,